
Меҳнат ярмаркасида

Тошлоқ тумани аҳоли бандилигига кўмаклашиш маркази томонидан ишсиз ёшлар, таълим муассасалари битирувчиларини бандлигини таъминлаш мақсадида режа-жадвалга асосан бугун 1-сектор ҳудудидаги 44-умумтаълим мактабида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда туман ҳокими А.Джурабаев, туман прокурори А.Худойбергенов, туман ҳокими ўринбосарлари, “Ҳунарманд уюшмаси” туман бўлими ва уюшмага аъзо ҳунармандлар қатнашдилар. Меҳнат ярмаркасида 68 та иш берувчи ташкилот, корхона ва муассасалар, тадбиркорлик субъектлар 700 та бўш иш ўринлари билан иштирок этишди. Меҳнат ярмаркасида 143 нафар иш билан банд бўлмаган фуқаролар иштирок этишди. Меҳнат ярмаркасида 15 нафар ёшлар касбга ўқишга юборилди. 33 нафар иш билан банд бўлмаган фуқаролар меҳнат ярмаркасида ишга жойлаштирилди. Туманимиздаги “Экспо Коллор принт текс” кластер корхонаси ҳам ишсиз фуқароларни иш билан таъминлаш мақсадида бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ярмарка давомида корхона томонидан юзга яқин фуқаролар билан шартномалар имзоланди.

2020-09-22 18:06:54